

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди
№ MD-15
2019 йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
2019 йил “2” июн даги
1023- сонли бўйрги билан
тасдикланган.

“Тарих ўқитиш методикаси”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

2019 йил _____ даги _____ - сонли баённомаси билан маъқулланган

- Тузувчилар:**
- “Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифназаров, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.
- “Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б. А. Раҳмонов.
- “Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули: : п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.ф.д. Г.Ибрагимова, катта ўқитувчи Р.Ишмуҳамедов, М.Матназарова, Н.Хақназарова, А.Тураев, М.Инназаров, Д.Кушарбаев.
- “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” модули: п.ф.д., проф. Ф. Зокирова, п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар А.Обидов, И.Чориев, А.Хошимов, F.Отамуродов.
- “Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуслари” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, Ш.Файзуллаева, У.Гиясова.
- “Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилишнинг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д., проф. А.Юлдашев, п.с.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.
- Маҳсус фанлар бўйича:** доц. М.Ж.Муталипова, педагогика фанлари бўйича PhD. М.Файзиева, педагогика фанлари бўйича PhD. Н.Ҳайтуллаева, п.ф.д., доц. Д.Юнусова, п.ф.д., доц. Ж.О. Толипова, т.ф.н., доц. З.Илҳомов, т.ф.н., доц. А.Рахматуллаева.

- Тақризчилар:**
- Хорижий эксперт:** «Худжандский государственный университет им. академик Б.Гафурова» к.и.н. доцент Р.А.Хамидов

*Ўқув дастури Тошкент давлат педагогика университети Кенгашининг қарори билан
тасдиқка тавсия қилинган (2019 йил 30-августдаги 1/3.5.-сонли баённома).*

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, илфор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимили таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий хужжатлари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Таълимда илғор хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Таълимда илғор ахборот-коммуникация технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Педагогик жараённинг тизимли таҳлили.

VI. Махсус фанлар

6.1. Тарих фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари.

6.2. Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси.

6.3. Педагогик квалиметрия.

VII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, қўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:

- “**Тарих ўқитиши методикаси**” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, қўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиши жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Тарих ўқитиши методикаси” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил” ва “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- тарих фаниннинг замонавий концепцияларини;
- олий таълим тизимида тарих фанини модернизациялаш масалаларини;
- олий таълимда тарих таълимини ташкил этишнинг концептуал асосларини;
- тарих ўқитишининг методлари ва воситалари классификациясини;

- маъруза, семинар дарслариға қўйиладиган талабларни;
- энг янги тарих фанига қўйилган замонавий талабларни;
- тарих фанларининг ютуқлари ва инновацияларини
- педагогик квалиметрия фанининг мақсади ва вазифаларини;
- педагогик квалиметрия илмий-тадқиқот методларини;
- халқаро баҳолаш дастурлари (TIMSS, PISA)ни *билиши* керак.

Тингловчи:

- тарих фанларидағи инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- тарих фанлари дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- шарқ тарих фалсафаси ва унда тарихий талқиннинг фалсафий ёндашувлари тизимлаштириш;
- талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш;
- профессор-ўқитувчиларни квалиметрик диагностика қилиш;
- халқаро баҳолаш дастури мезонлари асосида тест топшириқларини ишлаб чиқиш;
- тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тузиш *кўникмаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- тарих фанлари ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;
- тарих ўқитувчисининг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;
- тарих фанларини ўқитиши жараёнида талабаларда мустақил равища билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, уларга раҳбарлик қилиш;
- тарих фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини такомиллаштириш;
- талабаларларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг назоратида қийинчилик даражаси турлича бўлган адаптив тест топшириқларидан фойдаланиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- тарих фанлари бўйича машғулотларни лойиҳалаштириш;
- тарих фанлари бўйича ташкил этиладиган машғулотларда инновацион ва ахборот технологиялар, талабалар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаш;

- тарих фанлари дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиладиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан педагогик амалиётда самараали фойдаланиш;

- педагогик квалиметрия методларидан фойдаланиб таълим-тарбия жараёнини таҳлил этиш ва самарадорликни аниқлаш **компетенциясига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган мустақил малака ошириш шакллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“ТАРИХ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИННИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характери. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқга хизмат қилсин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари

агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим ва Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурый асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва хукуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг хукуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хукуқий хужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни хукуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг хукуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун хужжатлари ва уларнинг мазмuni. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг хукуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг хукуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон хукуқлари. Гендер

муаммолари ва ўкув жараёнида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонуности ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимига оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимига тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўкув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўкув режалари ва ўкув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўкув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

II. ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илғор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўкув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўкув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўкув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади,

лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

2.2. Таълимда илғор хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили.

Ривожланган давлатлар таълим тизимининг ўзига хосликлари ва қиёсий таҳлил. Инновацион таълим технологиялари соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: blended learning (аралаш ўқитиш), маҳорат дарслари, вебинар дарслар ва бошқ. Замонавий таълимда тьютор, супервизор, фасилитатор, эдвайзер ва модераторлик фаолияти.

Хориж таълим тажрибасида дифференциал ва тўлдирувчи таълим, интегратив ва масофавий таълим масалалари. Иқтидорли ёшлар таълими.

Хориж тажрибасида қиёсий педагогик тадқиқотларнинг долзарб йўналишлари. Педагогик тизимларни таққослаш технологияси ва тадқиқот қилиш босқичлари. ОТМларда таълим вариативлигининг қиёсий асослари.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булутли технологиялар. Google булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурий воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедиали ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

3.2. Таълимда илғор ахборот-коммуникация технологиялари.

Smart технологиялар. Smart технологияларнинг техник-дастурий воситалари. Таълим жараёнида Smart технологиялардан фойдаланиш. Виртуал борлиқ тушунчаси (Иммерсивлик ва интерфаоллик). 3D технологиялар. Симуляторлар. Панорамик тасвирлар.

Интернет технологиялари, Smart технологиялар билан ишлаш: Интернет, интернет хизматлари, Web-технологиялар, Web-технологияларнинг таълимий имкониятлари, булутли технологиилар ва уларда ҳамкорликда ишлаш. Web-технологияларга асосланган электрон таълим ресурслари яратиш ва улардан фойдаланиш.

Очиқ таълим ресурслари ва улар билан ишлаш. Оммавий онлайн очиқ курслар(МООС). Виртуал таълим жараёнини бошқарувчи тизимдан фойдаланиш (LMS).

IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – B1, B2). Маданиятлараро мuloқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойихалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мuloқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда сухбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

V. ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўкув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қуйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологик жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

5.2. Педагогик жараённинг тизимли таҳлили.

Педагогик тизимнинг методологик асослари. Педагогик тизим тушунчаси ва унинг моҳияти. Структура: мураккаб тизим структураси, педагогик тизимнинг структураси. Педагогик технология педагогик тизим сифатида. Педагогик жараёнлар ва ҳодисалар тузилмасини тақдим этиш шакллари.

Ўкув машғулотининг тизимли таҳлили. Ўкув фани бўйича ўкув машғулотлари ва талабалар мустақил таълими таҳлили. Дарснинг тизимли таҳлили ва унинг турлари.

Ўкув фани асосий тушунчалар тизими. Ўкув фани, ўкув фанининг бўлими, мавзуси бўйича асосий тушунчалар ва улар орасидаги боғланишлар тизими. Танланган мавзу бўйича асосий тушунчалар структураси.

VI. МАХСУС ФАНЛАР

6.1. Тарих фанларининг инновацион тараққиёти ва стратегиялари.

Тарих фаниннинг замонавий концепциялари. Тарихий хотира, тарихий тафаккур мазмуни ва зарурати. Олий таълим тизимида тарих фанини модернизациялаш масалалари. Олий таълимда тарих таълимини ташкил этишнинг концептуал асослари.

Тарихий билишнинг ўзига хослиги, билишнинг реторспектив характери, икки карра субъектланган билим. Тарихий билиш тамойиллари. Билиш тамойиллари ва уларнинг регулятив функциялари. Шарқ тарих фалсафаси ва унда тарихий талқиннинг фалсафий ёндашувлари.

Илк цивилизациялар тарихининг долзарб масалалари. Илк давлатчилик масалалари. Қадимги ва ўрта асрларда ўзбек давлатчилиги. Замонавий ёндошувлар.

Тарихий манбалар ва тарихий далил. Далил ва унинг илмий-таҳлилий масалаларига оид айрим илмий-назарий қарашлар. Ахборотнинг назарий манба сифатидаги ўрни. Манба ахборот ташувчи. Яққол ва яширин ахборот. Белгиланган ва белгиланмаган ахборот. Ахборотнинг етишиш ва етишмаслик муаммоси. Тарихий далил ва унинг интерпретацияси. Далил. Тушунча тўғрисидаги баҳслар. Тарихий далил тизими, тарихга таъсир этиш омиллари ва моҳияти.

Этник жараёнлар. Ўзбек халқининг этник шаклланиши масалалари. Мустамлака даври тарихининг долзарб масалалари. Шўролар даври. Тараққиётнинг инқилобий ва тадрижий йўллари таҳлили.

Мустақиллик йилларида тарих фани: изланишлар ва инновациялар.

6.2. Олий таълимда тарих фанларини ўқитиш методикаси.

Тарих ўқитишнинг методлари ва воситалари классификацияси. Таълим методлари ва усуллари. Тарих дарсларида қўлланиладиган методларининг уйғунлиги. Тарих ўқитиш методлари классификацияси: оғзаки баён: ҳикоя, монолог, диалог, сұхбат, сюжетли ҳикоя, сюжет таҳлили, тарихий манбалар билан ишлаш; тарихий адабиётлар, тарихий ҳужжатлар. Кўрсатмали методлар: шартли-график иллюстратив кўрсатмалилик, сурат таҳлили, тарихий хариталар билан ишлаш. Амалий метод: машқ бажариш, ўқув топшириқларини ишлаш, контур харитани тўлдириш. Тарих дарсларида воситалар, жумладан, ёрдамчи воситалар (жадвал, чизма, диаграмма), техник воситалар (флип-чарт, компьютер, электрон доска), ўқув-услубий воситалар (дарслик, хрестоматия ва бошқа ўқув қўлланмалар ёрдамида йўриқнома, ўқув топшириқлари ёзилган тарқатмалар) ёрдамида интерфаол машгулотларни ўтказиш. Чизмали органайзерлар ёрдамида талабаларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш. Тарих фанидан иш дафтарлари.

Тарих таълимида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари. Тарих фанини ўқитишда АКТни қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари. Мавзулар

бўйича электрон дарсликнинг ўқув услугий таъминотини тайёрлаш. Компьютерда амалий дастурлар ёрдамида тайёрланган дидактик воситалар, ўқув-методик материал ва ресурслар. Фанга оид электрон ўқув адабиётлари, ўргатувчи тизимлар (дастурлар), мультимедиа иловалари ва улардан дарс жараёнида фойдаланиш.

ОТМда тарих ўқитишни ташкил этиш шакллари. Маъруза, семинар дарслариға қўйиладиган талаблар. Маъруза ҳақида ва унинг асосий вазифалари, самарадорлик шартлари. Маъруза турларининг ўзига хос хусусиятлари. Семинар машғулотларининг ўзига хос хусусиятлари. Семинар машғулотларида таълим бериш технологиясини лойиҳалаш ва режалаштириш. Маъруза ва семинар дарсларини ташкил этишнинг дидактик асослари. Амалий машғулот, лаборатория ишлари, малакавий амалиёт.

Тарих таълимида замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол усувларни лойиҳалаштириш. Методика, педагогик технология, интерфаол усул тушунчалари. Гурухларни шакллантириш тамойиллари. Гурухларда ҳамкорликда ўқитиш фаолиятини ташкил этиш технологиясининг мазмун моҳияти. Кейс технологиясининг мазмун моҳияти. Кейсларнинг турлари. Тарих фанига оид кейсларни ишлаб чиқиши. Лойиҳа технологияси ҳақида тушунча. Лойиҳавий таълимдан фойдаланишнинг ижтимоий-педагогик шартлари.

6.3. Педагогик квалиметрия.

Педагогик квалиметриянининг мақсади, вазифалари ва муаммолари. Квалиметрия фани ҳақида тушунча, ривожланиш тарихи, фан тармоқлари, педагогик квалиметрия фанининг мақсади ва вазифалари. педагогик квалиметрия илмий-тадқиқот методлари.

Ностандарт тест-педагогик квалиметрия назорат ва баҳолаш технологияси сифатида. Халқаро баҳолаш дастурлари (TIMMS, PISA). Тестларнинг таърифи, таснифи, методологик асослари. Талабаларларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг назоратида қийинчилек даражаси турлича бўлган адаптив тест топшириқларидан фойдаланиш йўллари. Халқаро баҳолаш дастурлари (TIMMS, PISA) ҳақида умумий тушунчалар.

Профессор-ўқитувчиларнинг замонавий модели ва квалиметрик диагностикаси. Педагогик жараённинг модели ва квалиметрик диагностикаси. Халқаро баҳолаш дастури мезонлари асосида тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. Тест топширигининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий тест топшириқларини тузиш.

VII. МАЛАКАВИЙ АТТЕСТАЦИЯ

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битириув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириклар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очиқ ўқув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъододли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўқув адабиётлари (дарслик, ўқув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гуруҳи учун 1 та очиқ дарс ўтказади. Очиқ дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хulosалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти.

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асалари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги

ПФ-5789-сонли фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари қўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

21. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иногомова. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012. – 193 бет.

22. Маҳкамов У.И., Маматқулова З.М. Малака ошириш жараёнларида ўқитувчиларнинг педагогик тафаккурини ривожлантириш. Монография.-Т.: “Фан ва технология”, 2017. - 180 б.

23. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.

24. Муслимов Н.А ва бошқалар. Педагогик компетентлик ва креатив асослари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

25. Муслимов Н.А ва бошқалар. Web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 120 б.

26. Муталипова М.Ж., Ходжаев Б.Х. Қиёсий педагогика.-Т: 2015 й.
27. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013.–2796.
28. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
29. Толипова Ж.О. Педагогик квалиметрия. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2015.
30. Зайцев В.С. Современные педагогические технологии: учебное пособие. – В 2-х книгах. – Книга 1. – Челябинск, ЧГПУ, 2012 – 411 с.
31. Зайцев В.С. Современные педагогические технологии: учебное пособие. – В 2-х книгах. – Книга 2. – Челябинск, ЧГПУ, 2012 – 496 с.
32. Яковлева Н.Ф. Я47 Проектная деятельность в образовательном учреждении [Электронный ресурс] учеб. пособие. – 2-е изд., стер. – М.: ФЛИНТА, 2014. - 144с.
33. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.
34. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.
35. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
36. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.
37. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
38. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
39. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
40. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
41. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
42. Жўраев Н. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Учинчи китоб. –Т.: «Шарқ», 2010.
43. Салимов О., Усмонов Қ. Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. – Т.: “Шарқ”, 1999.
44. Қувватов Н. Ўзбекистонда ўтиш даври ва жамият тараққиёти. – Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2013.
45. O’zbekistoning yangi tarixi. Ikkinci kitob. O’zbekiston Sovet mustamlakachiligi davrida. – Т.: “Sharq”, 2000.

46. O'zbekistoning yangi tarixi. Uchinchi kitob. Mustaqil O'zbekiston Respublikasi – T.: “Sharq”, 2000.
47. Ilxomov Z., Ismatullayev F. O'rta asrlar o'zbek davlatchiligi tarixi. – T.: 2011.
48. Ilxomov Z., To'rayev S. Ilk o'rta asrlar o'zbek davlatchiligi tarixi. – T.: 2011.
49. Абулқосимов Ҳ.П., Ҳасанов Р.Р. Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар. – Т.: “Академия”, 2010. – 216 б.
50. Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. – Т.: «Ўзбекистон», 2001. – 430 б.
51. Жўраев Т., Пахрутдинов Ш. Дунёвий давлатчилик ва сиёсийлашган динийлик: азалий мухолифат. – Т.: “Академия”, 2008. – 260 б.
52. Нуриддинов Э. Международное сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. – Т.: Чулпон, 2004.
53. Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари. – Т.: 2008.
54. Муҳаммад Носир. Турон давлатлари йилномаси. – Т.: 2011.
55. Egamberdieva N. Arxeologiya. – Т.: 2011.
56. Харезм - в истории государственности Узбекистана. – Т.: 2013.
57. Ходжаниёзов F. Қадимги Хоразм мудофаа иншоатлари. – Т.: 2007.

IV. Интернет сайклар

58. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
59. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
60. www.Ziyonet.uz
61. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: www.aci.uz.
62. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: www.ictcouncil.gov.uz.
63. Электрон журнали: www.infocom.uz.

“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайсувлашва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бошлимий-методик маркази

Директор _____ Т.Д.Даймадонов

“_____” 2019 й.



Тошкент давлат педагогика университети
хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш тармок маркази

Директор _____ Н.А.Муслимов

“_____” 2019 й.

М.У.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiришини ташкил этиш хамда
мувофикалаштириш бошкармаси
Бошкарма бошлиғи

Ф.Т.Эсонбобоев

“_____” 2019 й.

М.У.